ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ПРОФЕССИОНАЛ ОРКЕСТРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Муштарийбону Худайбердиева
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек халқ чолғуларини шаклланиш ва ривожлани жараёнлари ва босқичлари илмий тадқиқ этилиб, бугунги кунда мусиқа йўналишидаги ўзбек халқ чолғуларини ўрни тўғрисида асосли далиллар келтирилган.

Калит сўзлар: чолғу, мусиқа, овоз, харакат, истедод, такомиллаштириш, темп, маҳорат.

PROCESSES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL ORCHESTRA OF UZBEK FOLK INSTRUMENTS

Mushtariybonu Khudayberdieva
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

ABSTRACT

This article is a scientific study of the processes and stages of formation and development of Uzbek folk instruments, and provides solid evidence on the role of Uzbek folk instruments in the field of music today.

Keywords: instrument, music, voice, movement, talent, perfection, temp, skill.

КИРИШ

Кўп овозли мусиқа тарғиботчиси, ўзбек халқ чолғулари профессионал оркестрлари республикамизда ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охиридан бошлаб шакллана бошлаган. Тарихдан маълумки 1928 йили Самарқанд шаҳридаги мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институтида миллий чолғуларни ясаш услублари, маҳоратлари, тембрлари, товуш қаторлари, диапазонлари, ижрочилик техник имкониятлар ва бошқа кўрсаткичлари атрофлича илмий асосда ўрганила бошланган эди. В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар бошчилигидаги бир гуруҳ соҳа мутахассислари, созандалар шунингдек миллий чолғулар усталари бу ишга жалб қилингандилар. Гуруҳга кейинчалик таклиф этилган А.И.Петросянс ўн икки қаторли бир хил темперация асосида ўзбек миллий чолғуларини реконструкция қилиш гуруҳига раҳбарлик қила бошлайди. У рус халқ чолғулари оркестрининг ташкилотчиси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

(биринчи оркестр 1888 йили фаолиятини бошлаган) В.Андреев ғоялари ва тажрибасига таянган ҳолда ўз изланишларини олиб борди.

Ашот Иванович Петросянц ва гуруҳдаги ҳамфикр-мутахассислар бу борадаги илк изланишлари, тажриба-синовлари муваффақиятли чиқди. Ундан илҳомланган гуруҳ аъзолари энди янги қайта яратилган чолғулар асосида уларнинг оиладош чолғу асбобларини барпо этиш устида илмий асосланган изланишлар олиб боришди. Шунинг баробарида ўз мақсадларига эришиш йўлида таниқли моҳир халқ чолғулари усталаридан Шораҳим Шоумаров, Усмон Зуфаров (кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби) Матюсуф Харратов, ёш истеъдодли усталардан Сирожиддин Мухитдинов, Абдунаби Абдуғофуров (кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари) ва бошқалар ҳам жалб қилиндилар. Натижалар ижобий бўлгач энди халқ чолғулари оркестри тузиш асосий мақсадлардан бирига айланди.

1936 йили ўзбек давлат филармониясига асос солиниб, кўплаб тузилинаётган бадиий жамоалар (улар «цех» деб номланарди) қатори, 98 кишилик катта ашула ва рақс ансамбли ҳам, санъат устаси, бастакор кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида ўз фаолиятин бошлайди. Таниқли пианиночи А.И.Подгорний ва ёш композитор, кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти, мустақил диёримиз мадҳиясининг муаллифларидан бири (сўзи Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов қаламига мансуб) Мутал Бурҳоновлар филармония бадиий жамоалари артистларига мусиқа назариясидан дарс бера бошлашади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1937 йили Н.Миронов 98 кишилик ўзбек халқ чолғулари катта ансамбль таркибидан 24 нафар истеъдодли созандаларни танлаб, уларга мусиқа назарияси ва бошланғич гармония асосларини қунт билан ўргата бошлайди. Тез орада оркестр ижрочилигининг кўп қирраларини ўзида жам қилган, ўзбек халқ чолғулари оркестрини тузади. Янги жамоа таркибига миллий созлар билан бирга фортепиано, труба ва трамбон каби чолғулар ҳам киритилади. Янги мусиқий жамоа ўзининг ижрочилик маҳоратининг юксаклиги туфайли, мусиқа шинавандалари ва мутахассисларининг назарига тушади. Илмий асосда ўтказилган халқ чолғуларининг такомиллаштириш жараёнлари изланишлар натижасида 1938 йилнинг ноябрь ойида, юқорида қайд этилган оркестр асосида ўн икки қаторли бир текс темперацияли (булар; най, пикколо, пирма, тенор, бас чанглар, прима рубоб, прима, секунда, альт, бас, контрабас дуторлар, прима, альт бас, контрабас ғижжаклар ва бошқалар) оркестри ташкил топди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

Оркестр бош дирижёри ва бадиий раҳбари этиб Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофотини совриндори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Ашот Иванович Петросянц тайинланади. Кўп вақт ўтмай оркестр жамоаси Иккинчи жаҳон уруши туфайли ўз фаолияти вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Қанчадан-қанча қийинчиликлар бўлишига қарамай, оркестр 1943 йилидаёқ яна ўз фаолиятини тиклади.

1948 йилда Тошкент консерваториясида халқ чолғулари факультетининг ташкил этилиши ҳамда бастакор ва композиторларнинг оммавий мусиқа жанрларига мурожаат қилишлари оркестрнинг ижодий камолатида муҳим аҳамият касб этди. Натижада миллий дастурга асос солинди, тингловчиларнинг таҳсинларига сазовор асарлар яратилди. Орадан бир йил ўтгач, 1949 йил ноябрида композиторларнинг III анжуманидан ишига жалб этилди. Оркестрнинг анжуман концертларидаги чиқишлари катта муваффақият қозонди.

Оркестр 1951 йил ноябрида ўзбек адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари сафида Москвада концертлар бериш шарафига муяссар бўлди. Шундан сўнг у Украина, Латвия, Литва, Эстония, Озарбайжон, Арманистон, Грузия каби давлатларда Россиянинг Санкт-Петербург, Калуга, Мурманск, Қозон ва бошқа шаҳарларида ўзбек миллий мусиқа санъатини, композиторлар асарларини ташвиқот қилди. 1957 йилда оркестрнинг ёшлар таркиби халқ чолғулари оркестрларнинг Халқаро танловида муваффақиятла қатнашиб, Олтин медаль соҳиби ва лауреат бўлишди.

1966 йили оркестрга ЎЗбекистон халқ артисти, таниқли устоз санъаткор Тўхтасин Жалилов номи берилди. Оркестр дастурининг бойиши ва ижрочилик маҳоратининг ошишида унга дирижёрлик қилган Л.Султонова, Х.Изомов, А.Ливиев, Н.Алимов, А.Баҳромов, С.Каримов, С.Жалил, Ф.Назаровлар шунингдек 1958 йилдан оркестр жамоасининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри вазифасини бажарган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев ва бошқаларнинг муносиб ҳиссалари бор. 1976 йилдан бери оркестрга Ўзбекистон халқ артисти, профессор Фаруқ Содиқов бадиий раҳбар ва бош дирижёрлик қилиб келмоқда. Шу давр мобайнида Форуқ Тожиевичга дирижёр сифатида унинг шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдувоҳид Мубораков ёрдам беради. Ўзбек халқ куй ва қўшиқлари, мумтоз дурдоналаримиз, жаҳон классик ва ўзбек композиторлари асарлари алоҳида ўрин тутади. Жамоа ижрочиликда эришган ютуқлари учун 1980 йилда «Давлат оркестри», 1991 йилда Республикада ягона «Академик оркестр» унвонига сазовор бўлди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

МУҲОКАМА

Оркестр нуфузли халқаро мусиқа фестивалларида қатнашиб ўзбек мусиқа санъатини муносиб намойиш этиб келмоқда. Мисол тариқасида «Киев баҳори», «Сочи оқшоми», «Белоруссия кузи», Қарағандада ўтказилган «Мусиқали Сари-Арка», Самарқанднинг анъанавий «Шарқ тароналари», Халқаро халқ чолғулари оркестрлари фестивали, «Остона Серпер-2006» ва бошқаларни келитирш мумкин.

Оркестр концертларида яккахон хонандалардан Ўзбекистон халқ артистлари: Саодат Қобулова, Вячеслав Гринченко, Фаррух Зокиров, Муяссар Раззоқова, Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Ражабов, Насиба Сатторова, Нормўмин Султонов, Юнус Тўраев, Баҳром Мавлонов, Дилором Рахматуллаева Халқаро танлов ғолиби Неъматилла Синхабиби, шунингдек яккахон созандалардан Ўзбекистон санъат арбоби Офелия Юнусова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирза Тоиров, Шукирилла Аҳмаджонов ва бошқа кўплаб машҳур, ижрочилик танловларининг ғолиблари қатнашиб, оркестрнинг обрўсига обрў қўшмоқдалар.

Ўзбекистон композиторлари, рус ва Ғарбий Европа мусиқа санъати классиклари асарларини оркестр ижросида тинглаганимизда беихтиёр «дил торини чертган жамоа бу!» дегимиз келади. Халқимизнинг маънавий бойлигини орттиришдаги, ёшларни нафосат руҳида тарбиялашдаги ишларида янги зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон радиоси қошида 1927 йили Юнус Ражабий бошчилигида миллий халқ чолғулари ансамбли тузилди. Бу ижодий жамоанинг фаолият юритиши республикада мусиқа маданияти ва ижрочилик санъатини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари ансамбли асосида янги оркестр тузилди ва ўз фаолиятини муваффақият билан бошлади. 1957 йил май ойида жамоа қайтадан ўз фаолиятини бошлади.

Оркестр бадиий раҳбари қилиб Юнус Ражабий, тайинланди,бош дирижёр лавозимига Ўзбекистон ҳалқ артисти Дони Закиров таклиф этилди.Мана шу икки ижодкорнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли жамоанинг олдинги мавқеси тикланиб янги ижодий барқарорликка эришилди.

1960 йили Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли фаолият бошлади. Янги жамоага Ю.Ражабий бошчилик қила бошлади. Оркестр Бадиий раҳбарлик лавозимига Д.Зокиров лозим топилди. То 80-йилларнинг бошларигача Дони ака икки лавозимда иш олиб бордилар. Оркестрнинг ижрочилик йўлини шакиллантиришда, дастурни бойитишда Ўзбекистон халқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

артисти, композитор Дона Зокировнинг хизматлари беқиёсдир. Композиторолардан Мухтор Ашрафий, Сулаймон Юдаков, Собир Бобоев, Мутал Бурхонов, Сайфи Жамил, Фаттоҳ Назаров, Борис Гиенко, Сергей Варелас, Барис Зейдман, Хайри Изомов, Мардон Насимов, Телман Хасанов, Тўлқин Тошматов, Мустафо Бафоев, Фарход Алимов, Хабибулла Рахимов ва бошқа кўпгина ижодкорларнинг асарларини радио оҳанграбо магнит тасмасига ёзишга эришилди. Бугунги кунда бу асарлар радио олтин фондида сақланмоқда.

Оркестрнинг кундалик иш фаолиятини бошқаришда дирижёр Ўзбекистон ҳалқ артисти Р.Муродов, санъат арбоблари, Хайри Изомов, Жўра Шукуров, республикада хизмат кўрсатган артистлар Убайдулла Абдуллаев, Телман Хасанов, Абдусалом Муталов, шунингдек Николай Савинов, Сотволди Каримов, Фазлиддин Юнусов, Дилшод Муталов ва бошқалар турли даврларда фаолият олиб борганлар ва бугунда ҳам ёрдам бериб келмоқдалар.

Ўзбекистон санъат арбоби, Мустафо Бафоев бош дирижёр ва бадиий раҳбар бўлиб ишлаган даврда оркестр ижрочилик маҳорати жуда юксак даражага кўтарилиб, «ТЕЛЕ ОПЕРА ДОСТОН», «ТЕЛЕ БАЛЕТ» ва бошқа йирик жанрлардаги асарларни зўр маҳорат билан ижро этиб, ҳақли равишда республикамиздаги етакчи мусиқий жамоалар сафидан ўрин олишга эришди.

Ўзбекистон телерадиоси қошидаги оркестр жамоасига 1989 йили, мусиқа санъати ўсишига, уни дунёга танитишда, миллий мусиқа мероси олтин фондини бойитишда ўзининг беназир хизматлари билан ном қолдирган, устоз Дони Зокиров номи берилган.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда жамоанинг бош дирижёр ва бадий раҳбари сифатида таниқли созанда, педагог, яхши ташкилотчи, маданият соҳасида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бориб хурмат қозонган Ҳикмат Ражабов оркестрдаги яхши анъаналарни давом этирган ҳолда бошқармоқда.

2014-йилнинг октябр ойида икки профессионал жамоалар негизида ягона ўзбек хал чолғулари Давлат Академик оркестри ташкил этилди ва бу жамоага Д.Муталов рахбар этиб тайинланди.

Шу кундан бошлаб жамоанинг хаётида тўртинчи давр бошланди хамда ўзгаришлар томон катта қадам қўйилди. Дирижёр Д. Муталов дастлабки ижодий фаолиятини “Суғдиёна” ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестрида чанг созида ижрочи сифатида бошлади. Д.Муталов бу жамоада ташкил топгандан бошлаб 2010-йилгача чанг сози ижрочиси ва оркестр

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

консертмейстри лавозимларида фаолият олиб борди. Айни пайтда, Ўзбекистон давлат консерваториясида хам педагог сифатида дирижёрлик синфида устозлик қилади. Халқ чолғуларининг хусусиятини яхши билганлиги, ижодий тажрибаси бу жамоада рахбарлик қилишида жуда кўл келди. Ўзидан аввалги устоз дирижёрларнинг ишларини давом эттирган холда, ютуқ ва камчиликлардан керакли хулосалар чиқариб, хозирги кунгача ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бундан ташқари Д.Муталов нафақат, дирижёр, созанда шу билан бирга мусиқий олами кенг бўлган ижодкор, сабабки, у бир неча асарларни ўз ижодий тасаввурлари билан халқ чолғулари учун халқ куйларидан фойдаланиб бетакрор мусиқий матоларни усталик билан жамлади ва бу асарлар оркестрнинг концерт чиқишларида томошабинлар томонидан юқори олқишларга сазовор бўлди. Айни хозирги кунда оркестр М.Бафойев, Р.Абдуллайев, А.Мансуров, О.Абдуллайева, М.Отажонов, Н.Норхожавей, Х.асанова, К.Азимовлар билан ижодий хамкорлик алоқаларни олиб бормода. Бундан ташқари 2 йилдан буён одатга айланган бастакорлар уюшмаси томонидан “Ёш композиторлар халқаро фестивали” ўтказиб келинмоқда ва бу фестивал халқ чолғулари оркестри билан ижодий хамкорлик йўлини янада мустахкамламоқда. Ушбу фестивалда айни даврда ёш композиторлар К.Азимов, М.Мухторов, С.Камалов, Ф.Назаров, Ж.Чаршемов, Б.Нуркасимов, Н.Эркайев, С.Собировлар ўз асарлари билан иштирок етиб келмодалар. Уларнинг ёзган асарлардаги мавзуларда миллий ўзбек мусиқамизнинг ширaларини дархол сезиш мумкин, шуни хам айтиш жоизки, улар усталик билан бу мавзуларни хозирги замонавий мусиқанинг мураккаб кўринишларига ажойиб тарзда боғлаганлар. Айнан мана шу замонавий йўналишдаги асарларни халқ чолғулари орекстри учун ёзганлар ва бу ижодий асарлар мувоффақиятли чиқиб, ўз самарасини бермоқда.

2019-йилнинг 25-апрелида Халқ чолғулари окестрининг 80-йиллиги муносабати билан муносиб равишда катта концерт ўтказилди ва бу концертда қўшни мамалакатдан хам вакиллар иштирок этдилар.

Ушбу оркестр кўплаб кўринишларда концертлар беради хамда юртимизнинг турли вилоятларида ижодий сафарларда бўлади. Агар уларни бирма-бир санасак охирига етишимиз қийин.

Оркестрнинг хозирда барча созандалари мохир ижрочи хисобланади. Улар орасида мунтазам равишда солистлик қилиб келаётган созандалар мавжуд ва бу ижрочиларнинг барчаси республика ва халқаро танловлар лауриати бўлишган. Ғижжак басда С.Толипов, найда К. Деонов, Ж.Ахмедов, чангда В. Қурбонов, Ш. Утамуратова, қашқар рубобида Ш. Шавриков, Ш.Абдуллаев, афғон рубобида З. Болтаев, дуторда Ж. аффоров, М. Вохиджон қизи, зарбли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

чолғуларда А.Мансуров, М. Расулов, Ж.Ғуломбеков, Д.Рахимовлар оркестр концертларида ўз чиқишлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқдалар.

«Суғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри барчамиз учун энг улуғ ва азиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллика эришган яъни 1991 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.Унда 17 нафар, элга танилган созандалар бор. Жамоа бош дирижёр ва бадиий раҳбари Ўзбекистон давлат консерваторияси оркестр дирижёрлиги кафедрасининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Фируза Абдураҳимова. Шу ўтган даврда оркестр Россия, Қозоғистон, Германия, Испания, Миср, Жанубий Корея, Франция, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда бўлиб ўз ижрочилик махорати билан тингловчиларни мафтун этиб келмоқда. 1996 йили Испания (Логроньда) XXX Халқаро Мусиқа фестивалида Лауреат бўлиб, юксак ижрочилик маҳорати учун халқаро сертификатга эга бўлди. Оркестр томонидан олтита альбом «Созлар навоси» (1995). Ўзбекистон-Бавария мулоқоти (1998) концерт ансамбли ва «Interfolk» (2000), Британия рок фолк (2004) кантри-мюзик гурухлари билан ҳамкорликда, «Ўзбекистон тароналари» ва «Дунё мусиқаси» (2006) чиқарилди. Жамоа 2007 йили «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашиш шарафига эришди. Жамоа дастури халқчиллиги, шу билан бирга ижро махоратининг юксаклиги билан ажралиб туради. Ундан Шарқ ва Ғарб композиторларнинг асарлари, Ўзбек халқ мусиқа меросининг нодир наъмуналари ҳам муносиб ўрин олган.оркест жамоаси замонавий мусиқа ижрочилик қирраларини ўзлаштириб, ўз дастурларини хилма-хиллигини таминлашга эришмоқда. Аваз Мансуровнинг «Мозийдан садо», Дилорам Сайдаминованинг «Сароб», Ҳабибулла Раҳимовнинг «Ёзув машинкаси», «XX аср мусиқаси» ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Суғдиёна» камер оркестри жамоаси «Тошкент баҳори», халқ чолғулари ансамбл ва оркестрлари I Халқаро фестивалини ўтказди. Унда узоқ ва яқин хорижий мамлакатларидан келган кўплаб мусиқашунослар, созандалар иштирок этиб бетакрор мусиқа ижрочилик санъатларини халқимизга намойиш этишди.

«Gold Trophy» Биринчи Халқаро мусиқий танловида жамоа «Олтин» диплом ҳамда ғолиблик унвонига сазовор бўлишди. Шунинг баробарида маэстро Фируза Абдурахимова бадиий рахбар ва дирижёр сифатида «Олтин» диплом соҳибаси бўлиш шарафига лойиқ топилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00308

ХУЛОСА

Ҳамюртларимизнинг ижрочилик санъати юксак бахоланганлиги қувонарли холдир. Шубхасиз Республикамиздаги бу ижодий жамоалар Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларида кўтарган масалаларнинг, жумладан мусиқа санъатининг янада ривожлантириш хақидаги маслахатларидан рухланган холда Ўзбекистон композиторларининг янги давр талабиги тўла жавоб бера оладиган асарларини, шунингдек асрлар давомида бизгача етиб келган халқ дурдона мусиқа меросини «Шашмақом» сингари миллий бойлигимизни кенг тингловчилар оммасиги етказиш йўлида тинмай фаолият кўрсатмоқдалар. Юртбошимиз айтганларидек – «Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз хаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин десак, муболаға бўлмайди». Ёки – «Юксак бадиият ва хаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш рухи билан суғорилган асарлар яратиш – барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий», – деганлари қадрлидир.

Оркестрлар дастурларига киритилган мусиқий асарлар марказида эзгулик, пок инсоний мухаббат, юртга садоқат, инсонни ижобий фазилатларини улуғлаш,тинчликка, тотувликка, виждон эркинлиги сингари улуғ ғоялар туриши билан ҳам тингловчилар мехрини қозониб келмоқдалар.

Мустақиллик даврида юртимизда мусиқа санъатини кенг ривожланишига йўналтирилган дастур ва режалар амалга ошмоқда, нуфузли халқаро ҳамда республика анжуманлари, танловлар мунтазам ўтаётгани, мумтоз мусиқий меросимизни ёш авлодларга безавол етказиб бериш мақсадида амалга оширилаётган қатор тадбирлар қувонарлидир.

REFERENCES

1. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Т., 1980.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конситутцияси.–Тошкент: «Ўзбекистон», 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайерлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.
4. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.” – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.
5. Акбаров И.А. «Мусиқа луғати». Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва саньат нашриёти. 1987.
6. Азимов К. Методика работы с самодеятельным оркестром узбекских народных инструментов. Т. 1988.
7. Кароматов Ф. «Uzbekskaya instrumentalnaya muzыka».М. «Muzыka», 1987.
8. Одилов А. «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи»Т. «Ўқитувчи» 1995.
9. Қодиров Р. Оммабоп мусиқий глоссарий. Тошкент 2016.